МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Нортожи Жумаевич Эшнаев
ТВЧДПИ Психолгия кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бугунги кундаги ҳолати, уларни ўрганилганлик даражаси, олиб боридаётган тадқиқотлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, ҳамда мафкуравий тараққиётнинг зиддиятли кечиши натижасида вужудга келадиган маънавий-ахлоқий инқироз ва унинг оқибатлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: ахлоқ, маънавият, маданият, мафкура, қарамлик, глобаллашув, тадқиқотлар.

PSYCHOLOGICAL FACTORS OF CAREERGUIDANCE OF PUPILS

Nortoji Jumaevich Eshnaev
Associate Professor of Department of Psychology CSPI in Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the current state of spiritual and moral problems, the level of their study, the research being conducted. They also discussed the spiritual and moral crisis that arises as a result of the contradictory course of socio-economic, political, cultural and educational, as well as ideological development, and its consequences.

Keywords: ethics, spirituality, culture, ideology, dependence, globalization, research.

КИРИШ

Миллатлар ва халқлар тарихий ривожида маънавият алоҳида аҳамият касб этиб, уларнинг мавжудлиги, инсоний фазилатлари, ижтимоий макондаги ўрни ва масъулиятини асоси бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида маънавий интеграция жараёни, миллий, минтақавий ва умумбашарий муаммолари ечимида муҳим омил бўлиб қолмоқда. Мазкур масала моҳиятига кўра, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, ҳамда мафкуравий тараққиётнинг зиддиятли кечиши натижасида вужудга келадиган маънавий-ахлоқий инқироз ва унинг

глобаллашувини намоён қилган ҳолда, ёшлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бу муаммоли масалалар тезкорлик билан ҳал қилинмаса, жамият цивилизацияси ва маданияти ҳалокатга юз тутиш эҳтимоллиги барча мутахассис олимларни ташвишга солиб, бу борада чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Барчамизга маълумки, жаҳон жамоатчилиги ёшлар билан боғлиқ барча глобал муаммолар (қашшоқлик, саводсизлик, техник қарамилик, ёт ғоялар таъсирига берилиш, ватанпарварлик туйғуларидан узоқлашиб бориши, бандлик ва ишсизлик, миграция ва бошқалар)нинг сабабларини ўрганиш ва олдини олишнинг энг мақбул йўли сифатида ёшлар маънавиятини юксалтириш, умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларга мос равишда тарбиялаш долзарб аҳамият касб этишини эътироф этмоқда. Зеро, инсоният ҳозирги вақтга келиб мазкур муаммоларни, фақат маънавиятни ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкинлигини англаб етмоқда.

Кўпчилик тадқиқотчилар глобаллашув жараёнининг дастлабки пайтларида асл моҳиятини яхши тасаввур эта олмаганлари учун, глобаллашувга эркин савдо йўлидаги тўсиқларни олиб ташлайдиган ва барча миллий иқтисодиётни жамул жам қиладиган (интеграллайдиган) ижобий ҳодиса деб қараган эдилар. Бу ҳақида Энтони Гидденс шундай дейди - “Ҳозирги ўзгаришларнинг натижаси янги глобал савдо тармоқларнинг – мамлакатлар ва компанияларни бир-бири билан боғлаб турадиган иқтисодий алмашув шаклларининг вужудга келиши бўлди. Одатда бундай иттифоқлар ер юзидаги жуда катта минтақаларни бирлаштириб туради ва ҳар бир шундай блок билан иқтисодий мусобақага киришади. 1992 йилда Европа жамияти доирасида савдо сотиқни либераллаштириш жаҳонда энг йирик савдо зонасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозир у 324 миллинога яқин кишини ўзига жалб этган. Кейинги йилларда у яна кенгайиб кетса керак”. Бироқ бугунги кунда бу глобаллашув фақат ривожланган мамлакатларга фойда келтириб, ривожланётган мамлакатларга, айниқса, жуда камбағал мамлакатларга инқироз олиб келувчи ҳодиса экани маълум бўлди. Бунга нисбатан рус файласуфи И.И.Беляев ўз муносабатини билдириб, - ...глобаллашув бошқа мамлакатлар ижтимиой – маънавий ҳаётига салбий таъсир қилиши мумкин” – деб эътироф этади.

НАТИЖАЛАР

XXI асрнинг реал воқелиги, “цивилизацион интеграциялашув”, “оммавий маданият” кишилар, миллатлар, халқлар, давлатлар, умуман инсониятнинг

маънавий ҳаёт ҳақидаги қарашлари, концепциялари, фикрлари ўртасидаги муносабатлар ғоят мураккаб, ҳатто, айрим ҳолларда, зиддиятлилигини намоён қилмоқда.

Дарҳақиқат бугунги кунда кечаётган цивилизацион тараққиётнинг ёшлар тарбиясига таъсирини ўрганишда мутахассис олимлар ва кенг жамотчиликни ташвишлантираётган масалалардан бири бу “оммавий маданият” бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўз вақтида мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича ран-баранг илмий-назарий концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмасдан, аксинча долзарблиги ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, биринчидан, XX асрнинг сўнгги йиллар ва XXI асрнинг бошларида вужудга келган кўп қутблилик ва мафкуравий плюрализм, “глобал савдо тармоқлар”, “цивилизацион интеграциялашув”, “оммавий маданият” дунёнинг ўзаро диалектик алоқа ва зиддиятлар бирлиги асосида ҳаракат қиладиган улкан, ўзаро бир-бирига таъсир этиш кучига эга бўлган система сифатида фаолият кўрсатишини тақозо қилмоқда.

Иккинчидан, бу жараённинг ривожланиш қонуният ва тамойиллари, баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, “бутун жаҳонда иқтисодий ва маданий маконнинг пайдо бўлишига ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келиши..., умумжаҳон ягона ахборот алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шакли юзага келишига олиб боради” –деган тахминларни илгари суришга асос бўлмоқда.

Аслида бунинг замирида космополитик ёндошув ва мақсадларнинг мавжудлиги, тарихий ўтмиши узоқ, миллий қадриятлари бой ва эртанги келажаги буюк бўлган мустақил давлатларнинг эртанги куни ва ёшлари истиқболига таҳдид солиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, доимий огоҳликни унитмасдан яшаш лозимлигини барчамиз англаб турибмиз.

МУҲОКАМА

Ушбу зиддиятли нуқтаи назардан келиб чиқиб бугунги кунда жамиятимиз ёшлар маънавияти ва маданияти, онги ва тафаккури билан боғлиқ бўган масалаларни ҳар томонлама чўқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиб бугунги ташқи таъсилардан ҳимоя қила оладига изаляцион механизмни яратишимиз давр талабига айланиб бориш билан бир вақтда, давлат ва жамият маънавий ҳаёти ва тараққиётини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ушбу соҳада амалга оширлаётган илмий тадқиқот ишларида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- биринчидан, техноген маданият тобора кучайб бораётган ҳозирги даврда, ёшларни “техника қули”га айланиб қолмаслиги учун (хусусан, мобиль телефони, компьютер ва бошқалар) таълим – тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек ахборот-информацион хуружларга қарши курашувчи иммунитетни шакллантиришда (бола) (1+4) ота-она + таълим муассаса + маҳалла + нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг мақсадли ва самарали ҳамкорлигига эришиш мақсадга мувофиқдир;

- иккинчидан, мактабгача таълим муассасаларидан торитиб олий таълимгача бўлган сферани қамраб оладиган ва умумий ривожланиш қонуниятни ўзида акс эттирган рационал механиз ишлаб чиқилиши, айни дамда бу тизим ҳар қанақа ҳолатда ҳам ҳисобат ёки статистика юритиш мақсадидан мутлоқа ҳоли бўлиши, барча ҳолатни шаффоф ҳолда ёритиши, мавжуд муаммоларни келтириб чиқарувчи омилларини цензурасиз очиқ таҳлил ва талқин этиб масъулларга масалани келтириб чиқараётган мотивацион омилларни, ушбу масалани бартараф этувчи механизм ва самарадорлигини кўрсата олиши зарур;

- учинчидан, бу мақсадга эришиш учун соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилаётга илмий тадқиқот ишлари, субъектив олмиллардан ҳоли бўлган ҳолда, яъни объектив давлат ва жамият тараққиётига қаратилган бўлиши, ундаги мавжуд муаммо ва масалаларни ечишга хизмат қилиши, маҳсулдорлиги, энг асосийси, илмий башоратга эга бўлган ҳолда аниқ самарадолик (қисқа ва узоқ муддат) прогнозини кўрсатиши ва бера олиши лозим;

- тўртинчидан, ушбу соҳада амалга оширлаётган илмий тадқиқотлар давлат ва жамият учун аҳамиятли ва фойдалилиги, кенг ва ҳар томонлама етарли даражада замонавий ва классик назарияларни ўзида умумлаштирган бўлиши, қиёсий таҳлини ўзида акс эттириши, ҳар бир назария миллатнинг тарихийлиги ва этнопсихологик хусусиятларини инобатга олиб мукаммал тарзда қайта ишланган ҳолда кенг кўламда барча ёш қатламга (қисқа ва узоқ муддатда) сингдираолиш механизмига эга бўлган ижтимоий трансформацион фазани илмий –амалий омилларни ўзида акс эттириш зарур;

- бешинчидан, жамиятимиз учун ўткир масала бўлиб турган ва бўлиб қолаётган ёшлар таълим ва тарбияси, маънавияти ва маданияти, онги ва тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот ишларини номига яъни, илмий унвон ва даража учун қилинаётган ишлардан воз кечиш вақти етиб келганлигидир. Бу борада респбуликамиздаги олий таълим муассасалари

қошидаги илмий кенгашлар ва илмий тадқиқот институтларида тадқиқот олиб бораётган ёш тадқиқотчиларга керакли кўрсатмаларни бериши, илмий қобилиятга эга бўлган муносиб ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб қувватлаш, уларнинг илмий –ижодий фаолиятига салбий таъсир ўтказувчи ҳар қанақанги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ушбу масалада қилинган хатти -ҳаракат мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги биринчи ва асосий қадамдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларда маънавий-ахлоқий инқирозни келтириб чиқарувчи омилларни замон руҳидан келиб чиқиб илмий тадқиқ этишда юқоридаги таклифларга эътибор қаратиш, ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб қолмасдан, мавжуд илмий тадқиқотлар двалат ва жамият, қолаверса умуминсоний манфаатларга йўналтирилган мақсадли илмий иш деб эътроф этилган бўларди.

REFERENCES

1.Гидденс, Э. (2002). Социология. Олий ўқув юртлари учун ўқув қулланма Шарқ.
2.Беляев, М. (2007). Концепция национального государства. Милогия.
3.Suyarov, A. (2017). The present condition of tourism in Samarkand, the results of research survey from tourists in region. SCOPE Acad. HOUSE BM Publ. 103, 41–46.
4.Samarova Shoxista Rabidjanovna, Rakhmonova Muqaddas Qahramanovna, Mirzarahimova Gulnora, Ikromovna, Maratov Temur Gayrat ugli, Kamilov Bobir Sultanovich. (2020). Psychological aspects of developing creative personality and the concept of reduction of creativity to intellect. JCR. 7(17): 498-505. doi: 10.31838/jcr.07.17.69
5.Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Pupil Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.
6.Jabbor Eshbekovich Usarov. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education’s Efficiency. Theoretical & Applied Science, 53(9), 79-82.
7.Mukhamedov Gafurdjan Isroilovich, & Usarov Djabbar Eshbekovich. (2020). Technologies for the Development of Competencies in Physics in General Secondary Education using Multimedia Resources. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering, 9(3), 2677-2684.
8. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils’ Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(02), 1337-1346.

9. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.
10.NJ Эshnaev, TG‘ Maratov, G Mirzaraximova. (2020). O‘zbek milliy kino san’ati va madaniyatida psixoprofilaktik xizmat tizimini joriy этish masalalari. Oriental Art and Culture 03. 156-165.
11.Turakulov Buri Norboevich. (2020). Analysis of psychological theory of emotional intelligence. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8(3). 99-104.
12.Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Kodirov Ikrom Davronovich. (2020) “Problems of formation of learning motives in pupils”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6,
13.Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Haydarova Surayyo Abdusalomovna. (2020) “Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6.